

“ТОҚАТЛИЛИК” КАТЕГОРИЯСИННИГ ИЖТИМОЙ- ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ, ИЛМИЙ-КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ



<https://doi.org/10.5281/zenodo.14574091>

Мамасолиев Мирзоулуг Мирсаидович

Қарши мұхандислик-иктисодиёт институты доценти в.б

+91-263-29-77

Аннотация: Мазкур илмий тадқиқот "тоқатлилик" (толерантлилик) категориясынинг кенг ва چүқур ижтимоий-фалсафий таҳлилига бағишланган. Тадқиқотда тоқатлилик тушунчасининг генезиси, моҳияти, шаклланиш омиллари ва ижтимоий аҳамияти атрофлича ёритилган.

Асосий мақсад - тоқатлиликнинг фалсафий-методологик асосларини очиб берши, унинг замонавий жамият учун аҳамиятини күрсатиши ва концептуал жиҳатдан таҳлил қилишидан иборат. Тадқиқотда тоқатлилик категорияси фалсафий, социологик, психологик ва маданий нұқтаи назардан күриб чиқылади.

Калит сұздар: Глобаллашув, ахлоқ, масъулият, қадр-қиммат, Постмодерн жамият, инсон, технология, тоқатлилик, толерантлик.

SOCIAL AND PHILOSOPHICAL ANALYSIS, SCIENTIFIC AND CONCEPTUAL JUSTIFICATION OF THE CATEGORY "DURABILITY"

Annotation: This scientific study is devoted to a broad and deep socio-philosophical analysis of the category of "tolerance". The study reveals in detail the genesis, essence, factors of formation and social significance of the concept of tolerance.

The main goal is to reveal the philosophical and methodological foundations of tolerance, to show its importance for modern society, to analyze it conceptually. In the study, the category of tolerance is considered from a philosophical, sociological, psychological and cultural point of view.

Keywords: Globalization, morality, responsibility, dignity, Postmodern society, man, technology, tolerance, tolerance.

СОЦИАЛЬНО-ФИЛОСОФСКИЙ АНАЛИЗ, НАУЧНО-ПОНЯТИЙНОЕ ОБОСНОВАНИЕ КАТЕГОРИИ «ДОЛГОВЕЧНОСТЬ»

Аннотация: Настоящее научное исследование посвящено широкому и глубокому социально-философскому анализу категории «толерантность». В

исследовании подробно раскрыты генезис, сущность, факторы формирования и социальная значимость понятия толерантности.

Основная цель – раскрыть философские и методологические основы толерантности, показать ее значение для современного общества, концептуально проанализировать. В исследовании категория толерантности рассматривается с философской, социологической, психологической и культурологической точки зрения.

Ключевые слова: Глобализация, мораль, ответственность, достоинство, Постмодернистское общество, человек, технологии, толерантность, толерантность.

Глобаллашув шароитида дунёда тобора жадаллашиб бораётган ахлоқий “инқироз” ёшларда тоқатлилик фазилатларни ривожлантиришни, уларда бағрикенглик ва олийжанобликка асосланган ижтимоий фаолликни, юрга садоқат ва шахсий мастьулиятни оширишнинг илмий-фалсафий ечимларини ишлаб чиқиши талаб этмоқда. Айни пайтда ривожланган мамлакатларнинг инсонларда юксак ахлоқийлик, инсонпарварлик ва альтруистик фазилатларни ривожлантиришнинг янгича моделларини яратишда инновацион механизм ва технологияларни кўллашга доир қўплаб амалий ишлар қилинмоқда. Зоро, капиталистик муносабатлар ривожланаётган, инсон капитали ҳам “сотилаётган”, кадр-қиммати у келтираётган фойда билан ўлчанаётган, бозор қонуниятлари инсоний муносабатларга ҳам кечеётган бир шароитда инсонийликни сақлаб қолиш, бунинг учун тоқатлилик ва чидамлилик фазилатларни ривожлантириш йўлларини такомиллаштириш долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Постмодерн жамиятн инсонларида эгоистик сифатларни кучайиб кетиши, индивидуализм характерини ёйилиши жамиятлар олдига янгича вазифаларни юкламоқда. Инсонларда худбинлик иллатларини кучайиб бориши натижасида маънавий таназзул ва маҳдудлик(эгоизм), ватансизлик (космополитизм) ва ақидапарастлик (фундаментализм), миллатчилик (нацизм ва нигилизм), жангари ирқчилик (расизм), буюк давлатчилик шовинизми, ашаддий (агрессив) миллатчилик, фашизм ва большевизм ғояларининг кенг қулоч ёйиши тоқалилик қўникмаларини шакллантириш зууртини янада ортириб юбормоқда.

Ўзбекистоннинг янги тараққиёт стратегиясида ҳам “ёшларни ахлоқий негизларни бузишга олиб келадиган хатти-ҳаракатлардан, терроризм ва диний экстремизм, сепаратизм, фундаментализм, зўравонлик ва шафқатсизлик

ғояларидан ҳимоя қилиш”¹га доир кўплаб маънавий-маърифий тадбирлар ва илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Мазкур тадқиқотларда ҳар бир инсонни маънавий, интеллектуал, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан камол топишига кўмаклашишга доир кзплаб ёндашувлар ва илмий хулосалар илгари сурилмоқда. Бундай тадқиқотларда юксак ахлоқли инсонни тарбиялаш ва жамиятда ахлоқий маданиятни стратегик ривожлантириш концепциясини яратиш зарурати юзага чиқмоқда. Зеро, “дунё шиддат билан ўзгариб, барқарорлик ва халқларнинг мустаҳкам ривожланишига раҳна соладиган турли янги таҳдид ва хавфлар пайдо бўлаётган бугунги кунда маънавият ва маърифатга, ахлоқий тарбия, ёшларнинг билим олиш, камолга етишга интилишига эътибор қаратиш ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир”². Шундай экан, инсонларда юксак ахлоқий сифатларни ривожлантиришнинг ижтимоий-фалсафий жиҳатларини тадқиқ этиш устуворлик касб этади.

Бугун ахлоқий-иродавий қадриятларнинг коммуникатив функцияси кенгайиб бормоқда. Бу глобал ўзгаришлар натижасидадир. Мулоқот шаклларининг турли воситалари (мобил телефон, интернет) мазкур функцияда туб ўзгаришлар ясамоқда. Энди маданиятларнинг бир-бирига тез яқинлашуви, тажриба алмашуви ва бир-бирини бойитиши содир бўлмоқда, мутахассислар фикрига кўра “маданиятнинг глобаллашуви муқаррар воқеликка айланмоқда, унга қарши туриш ёки уни рад этадиганлар ақлдан озган телбалардир”³. Шундай экан коммуникатив функция ахлоқий қадриятларнинг ранг-бараанглигига зиён етказмаслиги, маданиятлараро мулоқотларни миллий манфаатларга мувофиқ кечишига халақит бермаслиги, айниқса АҚШ маданияти ёки ғарб оммавий маданиятини қарор топтиришга қаратилмаслиги даркор. Халқаро мулоқот, интеграция умуминсоний қадриятларни, нормаларни қарор топтиришга қанча ёрдам бермасин, улар экспанция кайфиятидаги маданиятнинг ҳукмрон кучга айланишига хизмат қиласлиги керак. «Маданият кишилар мулоқотининг шарти ва натижасидир. Маданият-кишилар мулоқоти учун майдон, у кишиларни бирлаштиради ва бир-бирига боғлайди.»⁴ Демак, қадриятларни яратиш жараёнида кишилар ўзаро мулоқотга киришишади, мулоқот эса кишиларнинг маънавий-рухий оламини, интеллектуал сифатларини билишга ёрдам беради.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони.

² Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. - Тошкент: «Ўзбекистон», 2017, 1-жилд, -Б. 27.

³ Многоликая глобализация. Культурное разнообразие в современном мире. Под.ред. П. Бергера, С. Хантингтона. -М.: Аспект-Пресс, 2004. -С. 123.

⁴ Кармин А.С. Основы культурологии. Морфология культуры. -СП б., 1997. -С. 46-47.

Мазкур мақолада “тоқатлилик” категориясининг ижтимоий-фалсафий таҳлили, концептуал асосларини тадқиқ этиш мақсад қилинган. Бунинг учун аввало тоқатлилик тушунчасининг мазмун-моҳияти, унга ёндош тушунчалардан бўлган толерантлик, бағрикенглик, жўмардлик, чидамлилик, олийжаноблик тушунчаларининг мазмунини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Тоқатлилик тушунчаси илмий фаолият ва ижтимоий ҳаётнинг турли соҳалари, жумладан, сиёsat ва сиёsatшунослик, социология, фалсафа, илохиёт, ижтимоий ахлоқ, қиёсий диншунослик каби фанлар доирасида кенг истифода этилади. Ушбу тушунча деярли барча тилларда бир хил ёки бир-бирини тўлдирувчи маъно касб этиб, “чидамлилик”, “бардошлилик”, “тоқатлилик”, “ўзгача қарашлар ва ҳаракатларга хурмат билан муносабатда бўлиш”, “муруватлилик”, “химматлилик”, “кечиримлилик”, “мехрибонлик”, “ҳамдардлик” каби маъноларга эга.

Тоқатлилик ижтимоий барқарорликни таъминлаш учун асос бўлиб хизмат қиласи. Чунки бағрикенглик серқирра, айни пайтда плюралистик феномен бўлиб, ўзаро диалектик боғлиқ бўлган жуда кўп намоён бўлиш шаклларига эга. Тоқат, сабр, тинчликсеварлик, муроса, дўстлик, ҳамжиҳатлик, ишонч, хурмат, тушуниш, билиш, англашга интилиш ва бошқа шу каби ахлоқий фазилатлар ҳамда онгли интилишлар шулар жумласидандир. Давлат ва жамият даражаларида намоён бўладиган бағрикенглик ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туришини таъкидлаш жоиз. Хусусан, демократик давлатда ирқи, миллати, дини, тили, ижтимоий келиб чиқиши ва бошқа фарқловчи белгиларидан қатъий назар барча фуқаролар учун қонун асосида тенг ҳуқук, мажбурият ва имкониятлар ҳуқуқий кафолатланади. Бундан ташқари давлатнинг бағрикенг муносабати ҳар бир инсон ва ижтимоий гуруҳнинг иқтисодий фаровонлиги ва ижтимоий ривожланиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш, шунингдек, миллат ва дин вакилларига нисбатан тоқатсизлик, хурматсизлик ва таҳқирлашларининг олдини олишга қаратилган тизимли ишларни мунтазам равишда олиб боришда яққол намоён бўлади.

Тоқатлилик - ўзгаларнинг турмуш тарзи, хулқ-атвори, одатлари, хистуйгулари, фикр-мулоҳазалари, ғоялари ва эътиқодларига нисбатан чидамли бўлиш, бир бирига ўхшамаган одамларнинг бирга аҳилликда яшашга интилишни англатади.

Тоқатлилик тарихий тараққиёт натижасида юзага келган, қадимданоқ унинг тамойиллари шаклланган бўлиб, унга кўра бошқаларни ўзидек билиш, ўзгаларга озор етказмаслик, уларнинг хис-туйгуларига қулоқ тутиш ва дикқат этиш қоидалари асосига қурилган.

Шунингдек, тоқатлилик тушунчаси сабр-бардошлилик, ўзларидан фарқ қиласиган инсонлар билан мулоқот ўрнатиш қобилияти, умумқабул қилинган фикрга, қарашга, эътиқодга ва ғояга қўшилмайдиганларга нисбатан чидамлилик сифатида талқин қилинади. Тоқатлилик инсоннинг ўз аслиятини ифодалаш шаклларининг турли-туманлигини ҳурмат қилиш, қабул қилиш ва тўғри тушунишни билдиради. Тўғри тушуниш эса унга итоат этишни англатмайди. Инсоннинг бу хислати унинг гуманистик табиатидан дарак беради ва атрофдагиларга муносабати билан белгиланади. Бошқача айтганда, тоқатлилик бир-биридан фарқ қиласиган дунёқараш, турлича аксиологик қарашлар, турлича шаблонлар ичида яшайдиган инсонлар ўртасида инсонпарварлик асосида муносабатларни ўрнатишга тайёрликдир.

Бошқа томондан, тоқатлилик ҳар бир инсоннинг ўз маслакларига амал қилиши ва бошқаларда ҳам бундай ҳукуқ борлигини тан олишдир. Дарҳақиқат, инсонлар табиатан ташки кўриниши, мақоми, феъл-атвори ва қадриятлари билан бир-бирларидан фарқ қиласилар ҳамда шу фарқларга қарамай яхлит дунёда яшаш ва ўз индивидуаллигини сақлаб қолиш ҳукуқига эгадирлар.

Хулоса қилганда, тоқатлилик муаммоси янги асрда муҳим масалалардан бирига айланиб қолганлиги ҳам тасодиф эмас. Чунки, эгоизм, индивидуализм, прагматизм, ирқчилик ва миллатчилик кучаяётган баъзи минтақаларда тоқатлилик, чиқадлилик ва бағрикенглик каби инсоний фазилатлар муаммонинг ечимиdir. Тоқатлилик эса ўз навбатида инсоннинг ички ва ташки оламининг ҳамоҳанглиги ва уйғунлигини таъминлаш баробарида жамият барқарорлигини, ўзаро тотувлик, хамжиҳатлик ва дўстликни мустаҳкамлади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. -Тошкент: «Ўзбекистон», 2017, 1-жилд, -Б. 27.
3. Многоликая глобализация. Культурное разнообразие в современном мире. Под.ред. П. Бергера, С. Хантингтона. –М.: Аспект-Пресс, 2004. –С. 123.
4. Кармин А.С. Основы культурологии. Морфология культуры. -СП б., 1997. –С. 46-47.

5. Мамасалиев, М. М. (2023). ТРАНСФОРМАЦИЯ ПРИНЦИПОВ ТЕРПИМОСТИ В ОБЩЕСТВЕ ПОСТМОДЕРНА. International scientific journal of Biruni, 2(1), 144-148.
6. Mamasaliev, M. M. (2023). A CHANGE IN THE PRINCIPLES OF TOLERANCE IN POSTMODERN SOCIETY. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 3(2), 1071-1076. Делез Ж. Различие и повторение. СПб., 1998. С. 182.
7. Mirsaidovich, M. M. (2023). DEFORMATION OF TOLERANCE TOWARDS OTHERS IN POSTMODERN SOCIETY. EUROPEAN JOURNAL OF INNOVATION IN NONFORMAL EDUCATION, 3(6), 230-232.
8. Мамасалиев, М. М. (2023). ТОЛЕРАНТНОСТЬ И ИНТОЛЕРАНТНОСТЬ: ПРОБЛЕМА МИРА ИЛИ НОРМА?. Miasto Przyszłości, 38, 176-181.